Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 27 ноябрь Чоршанба. № 86 (14384)

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ ПАЙҲОН ҚИЛИНИШИГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жойлардаги аҳволни ўрганиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» 1994 йил 21 ноябрдаги Фармонини ва ушбу масала бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 ноябрдаги 423-сон қарорини бажариш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идораларнинг ташкилотчилик ишлари айтиб ўтилган ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда. Кўпгина хўжалик раҳбарларининг бепарволиги ва масъулиятсизлиги, ижро интизомининг пастлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан амалий чоралар кўрилмаганлиги натижасида чорва моллари пайҳон қилиши туфайли ғалла, пахта, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобудгарчилиги камаймаяпти.

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжаликларнинг раҳбарлари эътибори қишлоқ хўжалик экинлари, мевали дарахтлар, узумзорлар ва ихота дарахтзорлари зоналари пайҳон қилинишига қарши кураш қониқарсиз ташкил этилганлигига, чорва моллари пайҳон қилиши натижасида экинларга, дарахтларга зарар етказаётган шахсларга нисбатан етарлича талабчанлик кўрсатилмаётганлигига қаратилсин. Шу мақсадларда:

Қишлоқ хўжалик экинзорларида мол боқиш, молларнинг, автотранспорт ёки қишлоқ хўжалик техникасининг экинзорлар орқали ўтиши ҳамда экинларнинг пайҳон бўлишига олиб келувчи бошқа қонун бузишларга кураш кучайтирилсин;

хўжаликларнинг раҳбарларига ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари билан биргаликда экинларнинг пайҳон бўлиши ҳолларини аниқлаш ва бундай қонун бузилишларнинг олдини олиш юзасидан мунтазам рейдлар ўтказиш топширилсин. Экинлар кўп пайҳон бўлган жойларда кузатиш пунктлари ўрнатилсин ва дала қоровуллари белгилансин;

экинларни пайҳон қилиш ҳоллари аниқланган тақдирда пайҳон қилган чорва моллари, автотранспорт, қишлоқ хўжалик техникаси ёки бошқа пайҳон қилиш воситасининг эгасини аниқлашга доир оператив чора-тадбирлар кўрилсин, материаллар айбдорларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш учун тегишли органларга берилсин;

белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналарга, ташкилотларга, шунингдек фуқароларга қарашли пайҳон қилиш воситалари тутиб қолинади ва унинг эгалари ҳамда мулкдорлар томонидан пайҳон қилиш туфайли етказилган зарар тўлиқ қопланган тақдирда қайтариб берилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қишлоқ хўжалиги экинларини қўриқлаш учун масъул бўлган бўлинмаларига миниш учун отлар ажратсинлар. Отларни сақлаш харажатлари хўжаликлар ҳисобига амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Мустафоев), Ички ишлар вазирлиги (Алматов), мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжаликларнинг ҳамда улар таркибий бўлинмаларининг экинларнинг сақланишини таъминламаган ва уларнинг пайҳон бўлишига йўл қўйган раҳбарларига нисбатан эгаллаб турган вазифасидан бўшатиш, қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш масаласини мажбурий тартибда қўйсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Мустафоев) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди (Мингбоев) экинларни пайҳон қилишнинг ҳар бир ҳолати бўйича жазолашнинг муқаррарлигини ва етказилган зарарнинг тўлиқ ундириб олинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Мирсафоев) экинларни пайҳон қилганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масала юзасидан қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини кучайтирсин.

5. «Ўзтелерадио» компанияси (Ҳакимов) ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Ҳазратқулов) молларнинг экинларни пайҳон қилиши оқибатида халқ хўжалигига етказиладиган зарар тўғрисида матбуот, радио ва телевидение орқали тушунтириш ишларини мунтазам олиб борсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ҳамда Давлат Ўрмон қўмитаси билан биргаликда шу йилнинг декабрь ойида экинлар ва дарахт кўчатларини пайҳон қилишга қарши курашиш ишларининг аҳволини ҳар томонлама кўриб чиқсин, ушбу ишларни янада яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгиласин ва амалга оширсин ҳамда ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб турсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 25 ноябрь.

*Президент стипендияси совриндорлари*

## НОДИР ЙИГИТ



...Андижон Давлат университетидагилар уни «нодир йигит» деб қўйишади. Ҳақиқатан ҳам тарих факультети иқтисодчи-шарқшунос бўлими V босқич толиби Нодирбек Асқаров ана шундай таърифга лойиқ. Унинг Президент стипендианти бўлганлиги ҳақидаги хушхабарни ўқитувчи ва талабалар хурсандчилик билан қарши олдилар. Барчанинг кўнглидаги унга бўлган ишонч яна бир карра ошди. Бу бежиз эмас, албатта. У беш йил давомида ўзининг аъло ўқиши, жамоатчилик ишларида фаоллиги, юриш-туриши билан барчанинг ҳурматини қозонган эди. Яна унинг Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси Андижон Давлат университети жамоатчилик маркази раиси сифатида қилган ишларини айтмайсизми!..

Нодирда бўш вақтнинг ўзи йўқ. Қачон кўрсангиз шошиб юради. Шу сабаб биз ҳам уни аранг ёшлар хонасида иш устида учратдик. У ҳақдаги ҳикоямизни ҳам ёшлар билан олиб бораётган ишларидан бошладик.

Олийгоҳга ўқишга кирган йилидаёқ Нодир ўзининг қобилиятлилиги, билимга чанқоқлиги ва ҳаракатчанлиги билан тезда кўзга ташланди. Турли хил қизиқарли тадбирлар ўтказишга, талабаларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларини ташкил этиш, тўгараклар очишга бошчилик қилди. Университетда ҳар йили ўтказилаётган «Зўр» истеъдодли талабалар беллашуви, битирув кечаси, «Ётоқхона — олтин ўрним» танлови каби қатор тадбирларнинг бошида Нодир туради. Унинг бунчалик катта ишларни қилаётганлигини кўриб ўқиши қандай эканлиги билан қизиқдик.

— Нодир жуда қобилиятли йигит. У биронта фанга ҳам эътиборсиз қарамайди. Айниқса, инглиз тили ва иқтисодиётдан чуқур билимга эга. Биз Нодир каби билимдон ёшларнинг келажагига ишонамиз, — дейди у ўқиётган тарих факультети декани, профессор Р. Шамсутдинов.

Нодир талабаликдаёқ илмий иш билан шуғулланди. «Ташқи иқтисодий фаолиятини самарали тартибга солишнинг иқтисодий хавфсизлик ривожланишига таъсири» мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Бу ишда унга профессор Адҳам Бекмуродов раҳбарлик қилаяпти.

Нодир билан суҳбатлашиб ўтирар эканмиз, талабалар бири қўйиб бири уни сўроқлаб келарди. Кимдир ёрдам сўраса, кимдир маслаҳат сўрайди. Нодир барчасига жўяли жавоб айтиб улгуради. Бизнинг Нодир ана шундай «нодир йигит».

**Акбаржон НАЗАРОВ, Андижон Давлат университетининг филология - журналистика факультети V курс толиби.**

# ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛИ:

## ютуқлар, режалар, муаммолар

*«Туркистон» газетаси саволларига «ЎзДЭУ-авто Ко» қўшма корхонаси бош директори Шуҳрат Фаттохович Юсупов жавоб беради.*

***— Ҳозирги кунда республикада «ЎзДЭУ-авто» ишлаб чиқараётган автомобилларга талаб тобора кучаймоқда. Шу муносабат билан бугунги кунда заводда автомобиллар ишлаб чиқариш ва уларнинг савдосидаги аҳвол қандай?***

— Ишлаб чиқариш асосан режа бўйича олиб борилмоқда. 1996 йилнинг 25 ноябрига келиб ишлаб чиқарилган жами автомобиллар сони 18 мингтадан ошиб кетди. Уларнинг 6600 таси «Дамас», 3500 таси «Тико» ва 8200 таси «Нексия» автомобилларидир. Ишлаб чиқарилган жами автомобилларнинг салкам 16 мингтаси ички бозор учун ажратилди. Талаб биз кутгандан ҳам анча юқори бўлиб чиқди. Бу — жамият фаровонлигининг ошганлиги, биз ишлаб чиқараётган автомобилларнинг истеъмол сифатлари юксаклиги ва албатта, автомобилларимизнинг арзонлиги ҳамда Ўзбекистон бозорида узоқ вақт давомида автомобилларни сотишнинг уюшган тизими йўқлиги билан боғлиқдир.

***— Собиқ СССР даврида автомобиллар сотилмас, балки «тарқатилардилар». Бундай жараёнда суиистеъмолликларга ҳам йўл қўйиларди. Ҳозирги вақтда бу муаммо қандай аҳволда?***

— Режали иқтисодиётда унга хос бўлган товарлар камчилигида тақсимлаш «одатий» ҳолат эди. Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги кунда эса тақсимлаш умуман қўлланилмайди ва бунинг устига олдинги тақсимлаш тизилмалари йўқ. Бозор иқтисодиёти шароитида талаб билан таклифни тартибга солувчи — нарх ҳисобланади. Бу ҳаммага маълум. Негаки, бир томондан биз эндигина ишлаб чиқаришни йўлга қўйаяпмиз. Иккинчи томондан эса биз барқарор ижтимоий йўналтирилган нархлар бўлишини таъминлашга мажбурмиз. Агар июль ойида биз ҳар куни 20 тадан автомобиль чиқарган бўлсак, ноябр ойидаёқ бир кеча-кундузда ишлаб чиқарилган автомобиллар сони 200 тадан ҳам ошиб кетди. Талабнинг юқорилигини ҳисобга олиб, 1997 йил режасини қайта кўриб чиқдик. Келаси йилда аввалги мўлжалга нисбатан 20 фоиз кўп автомобил ишлаб чиқарамиз. Насиб қилса, 1997 йилнинг охирига келиб бир кеча-кундузда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар 500 тага етказилади. Ўшанда бизнинг автомобилларимизга бўлган талаб тўла қондирилади, деб ишонаман. Бироқ ҳозирги кунда автомобиллар билан чайқовчилик қилиш ҳамда уларни республикадан ташқарига қонунсиз олиб чиқиб кетиш янаям тўғрироғи суиистеъмоллик ҳоллари ҳам мавжуд. Бу валюта ва автомобилнинг «чайқов» бозори борлиги билан янада мушкуллашди. Валюта фирибгарлиги билан сотиб олинган автомобил унинг номинал қийматига нисбатан анча арзон туради. Бунинг оқибатида автомобилларнинг чайқов бозори вужудга келди. Биз бундай ҳолатта қарши курашишга ҳаракат қилаяпмиз. Автомобилларни «Узавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти тармоқларида навбат билан сотиш жорий қилинмоқда. Бироқ, гап шундаки, биринчидан, автомобилларни қайта сотишни тақиқлаш қонун бўйича мумкин эмас, иккинчидан, дилерларнинг икки тури мавжуд. Уларнинг бири ҳар бир вилоят марказида ва Тошкент шаҳрида автосалонлари бўлган «Узавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти тизими бўлса, иккинчиси «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» тизимларидир. Бу тизимларда яна ёрдамчи дилерлар ҳам бор. Биз «Ўзавтотеххизмат»ни қандайдир йўл билан ҳали ҳам назорат қилаяпмиз. Бироқ, бошқа дилерлар ва ёрдамчи дилерларни биз амалда назорат қила олмаяпмиз.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, автомобилларни сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тизими фақат шаклланмоқда. Бу ишда камчиликлар ҳам учраб турибди. Бироқ, биз дилерларни кўпайтирмаслигимиз, аксинча,





уларни ниҳоятда синчковлик билан танлаб олишимиз ҳамда асосан «Автотеххизмат» тизимида кадрларни тайёрлаш, уларни тарбиялаш, назоратни кучайтириш каби ишларга асосий эътиборни қаратишимиз лозим. Бу — биз учун айни хулосадир. Бу тармоқни қайта қуришга ҳозирнинг ўзидаёқ салкам 1 миллиард сўм кредит ресурслари сарфланди. Сарф қилинган ресурсларнинг қайтиши учун машиналар кўпроқ сотилиши лозим. Автосалонлардан ташкил топган 15 та мажмуа ҳамда «Асака» банки бўлими таркибида бу тармоқнинг ҳар бир станцияси 60-70 та автомобилни сотиш имкониятига эга. 1997 йил автомобиль сотиш дастурида эса буларнинг ҳар бирига бир кунда тўғри келадиган автомобиллар сони 15 тадан ортмайди, яъни автомобиль кунлик талаб товари бўлмаганлигини, ҳар бир қишлоқда автосалон тутиш зарур эмаслигини назарга олсак, бу тармоқ дастлабки йиллар учун етарлидир.

Мундоқ олиб қараганда бу ортиқча харажатдан бошқа нарса эмас. Бироқ шундай фикр ҳам пайдо бўлдики, агар фуқаро ҳар беш йилда бир марта автоомбиль сотиб оладиган бўлса, у замонавий автосалонда машина сотиб олиш ҳамда уни кафолатли хизмат кўрсатишга қўйиш учун вилоят маркази ёки шаҳарга бориши ҳамда «Асака банки»нинг бўлими орқали ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Бундай аҳвол нақд пулнинг айланиши тез бўлиши нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳимдир. Биз ҳозирги вақтдаёқ бошқа банкларнинг бўлимларидаги ёрдамчи дилерлар орқали автомобиллар харид қилишда нақд пулни суиистеъмол қилиш ҳолларига эгамиз. Муҳими чекланган дилер салмоғида ва бир банк тизимида назорат ва тартиб ўрнатиш енгил бўлади.

***— Автомобилларингизга бошқа мамлакатларда ҳам талаб катта. Шу муносабат билан экспортда юзага келган аҳвол ҳақида қисқача тўхталсангиз.***

— Товарларни экспорт қилиш умуман мураккаб иш, автомобилларни экспорт қилиш эса бир неча баробар мушкулдир. Чунки унинг бозорида рақобат ниҳоятда кучли. Бироқ шунга қарамай ҳозирги кунда экспорт бошланди. Биз МДҲ мамлакатларида ўзимизнинг дилер фирмаларимизни барпо этишни бошладик. Автомобил сигарета эмас, уни дўкончадан туриб сота олмайсан. Бунинг учун махсус жиҳозланган салонлар, техник хизмат кўрсатиш станциялари бўлиши керак. Уларда таъмирлаш технологиясини ускуналаш, кадрларни ўқитиш, эҳтиёт қисмларни сотишни, рекламани ташкил этиш лозим.

Бундан ташқари, автомобил савдо қилишнинг ўзига хос масалалари ҳам бор. Бу миллий мезонларнинг талаблари бўйича автомобилларни сертификация қилиш, буюмнинг келиб чиқиши ва устунликларини исботлаб бериш лозим. Бундай мураккаб ишлар ушбу бозорда муайян мавқени аллақачонлар эгаллаб олган рақобатчилар томонидан очиқ тўсиқлар қўйиш шароитида олиб борилади.

Шуни айтиш кифояки, Россия бозорида сотишга сертификатлар олиш учун бизга жуда қисқа муддатда автомобилларимизни Европа мезонлари асосида модернизацияладик Бу гап автомобиллар модернизация қилинишига қадар такомиллашган эмас эди, деган фикрни билдирмайди. Модернизациялаш натижасида кўпгина конструктив ўзгартишлар юзага келди, уларнинг айримлари ҳайдовчига сезилмайди. Масалан, «Нексия»нинг борт компьютери ёки подвеска элементлари, еритиш техникасидаги фарқлар, лак-бўёқ қопламасининг қалинлиги шулар жумласига киради. Айримлари эса ҳайдовчига кўриниб туради. Масалан, ёнга бурилишлар, жароҳатлардан муҳофаза қилиш рули, салондан туриб еритгич фараларни тартибга солиш қурилмаси ва бошқалар...

Буларнинг ҳаммаси қўшимча харажатларни талаб этди ва табиийки, автомобил нархларининг ошишига олиб келди. Нархларнинг бундай ошиши албатта ўзини оқлайди. Чунки, бундай ўзгартишлар натижасида хавфсизлик ва шинамлик ошди. Аслини олганда автомобилларнинг янги модификациялари пайдо бўлди ва ноябрь ойининг охиридаёқ ана шундай модификациядаги автомобиллар ички бозорда ҳам пайдо бўлади. Шуни айтиш кераккки, биз ички ва ташқи бозорлар учун ишлаб чиқараётган модификацияларда фарқ йўқ. Сифат даражаси ягона бўлиши лозим ва биз ана шу тамойилга қатъий риоя қиламиз. Дастлабки ойларда автомобилларни сотиш тажрибаси шуни кўрсатдики, харидорлар шинам моделларни талаб қилмоқдалар. Шуни ҳисобга олиб шинамроқ модификациядаги, яъни кондиционерлар, электр ойна кўтаргичлар ҳамда антенналар билан жиҳозланганларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, барча моделларда кенг шиналар, анча такомиллашган, акустикаси яхшиланган магнитолалар ўрнатишга ҳамда бошқарувнинг такомиллашган панелларини ўрнатишга қарор қилдик. «Нексия»да марказлашган қулфлар, «Тико»да орқа ойна тозалагичлар ва қатор бошқа янгиликлар киритилади.

Ўзбекистонда автомобиль саноати вужудга келди. Юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар дунё йўлига чиқди. Эндиги вазифамиз уларни автомобилларимизни такомиллаштириш ҳамда техник хизмат кўрсатиш тизимини жаҳон талаблари даражасига етказишдир.

*Акс-садо*

## БИР ҚЎШИҚ АЙТСАНГ-КИ...

... Ҳар бир отаётган тонгнинг ўз қўшиғи бўлади. Куни бўйи юрт ишқида югуриб-елиб ишлаётган, бизни янги умидлар йўлига бошлаётган инсонларнинг мустақил ва озод юрт шукронаси туфайли таралади бу қўшиқ. У — Ватан тaронасидир.

Юртбошимизнинг 1996 йилнинг 27 августидаги Фармонига мувофиқ шу йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси анъанавий қўшиқ байрами ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу тадбир шуни англатадики, кундан-кун гўзаллашиб, ўз қудратини юксалтириб бораётган Она Ватанимизни куйламоқ ва қалбларимиз эътиқодини қўшиқлар уйғунлигида юксалтирмоқ саодатидир.

«Ўзбек қачон қўшиқ айтади?» — Даласидан кўнгли тўлиб қайтаётганида, ҳеч йўқ бирорта дўстининг кўнглини кўтариб қўйганида, фарзандлари ўз ишларини уддалаб унга таянч бўлганида, энг муҳими, давлатининг бошида тинч-омон фаровон кунларга бош бўлиб, ишонган юртбошиси турганида...

Қўлига тор олиб, эл дардини, қувончини куйламоққа бел боғлаган қўшиқчилар эса бу масъулиятни ҳаммадан кўра афзалроқ, ҳамманинг кўнглидагидай қилиб куйлай олса борми?...

Бир қўшиқ айтсанг-ки, «Баракалла, ота ўғил!» десалар. — Кейин бошда дўппи, қўлда тор билан ғоз юрсангиз ярашади.

«Боғ аро қўйсам қадам» деб бир қадам ташласак, Маъмуржон акалар, Жўрахон акаларнинг руҳлари қўлласа, зора.

Ахир, шундай қутлуғ юртни куйлаб, элнинг дуосини олгандан ортиқ савоб иш борми, дунёда.

**Т. ҚОРАЕВ**

*«Камолот» янгиликлари*

### САМАРҚАНД:

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси вилоят бўлимида туман ва шаҳар бўлимларида жамғарма Низом талаб ва қоидалари даражасида ишлаб чиқаришни тезкорлик билан йўлга қўйиш, масъул ходимлар малакасини оширишга кўмаклашиш, илғор фирмалар тажрибаси билан танишиш мақсадида жамғарма бўлимлари ижрочи директорлари ва кичик корхона, фирмалар раҳбарларининг амалий семинари бўлиб ўтди.

Учрашув иштирокчилари шаҳардаги «Ориён» фирмаси, «Десморқанд» жамоа корхонаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Самарқанд архитектура ва қурилиш институти қошидаги «Бизнес инкубатор»да бўлиб, бизнес асослари ва сирлари ҳақида маълумотлар олдилар.

Учрашув якунида ялпи мажлис бўлиб ўтди. Унда жамғарма бўлимларида ишлаб чиқариш, ёшларни тадбиркорликка жалб этишнинг бориши тўғрисида жамғарма вилоят бўлими раиси биринчи ўринбосари К. Муродов маъруза қилди.

Шунингдек, жамғарма вилоят бўлими ва Конрад Аденауэр жамғармаси билан ҳамкорликда «Ёшлар ва жамият» мавзусидаги семинарнинг II босқичи бўлиб ўтди.

Семинар «Жамиятнинг маънавий ҳаётида ёшларнинг роли ва ўрни»га бағишланди.

Семинар ишида К. Аденауэр жамғармасининг минтақавий вакили В. Шрайбер иштирок этди.

* * *

Жамғарманинг вилоят бўлимида кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамғарма фаолиятини кенгайтиришга доир масалалар муҳокама этилди. Жумладан, жамғарма жамоатчилик марказлари фаолиятини такомиллаштириш, ёшлар нашрларига обунани уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Раёсат йиғилиши иштирокчилари «Оби-машат» маҳалласида бўлиб ўтган семинарда иштирок этдилар. Семинарда ёшларни бўш вақтларини намунали ташкил этиш масалалари кенг муҳокама этилди.

